CIRCUMSTANCES TO BE ESTABLISHED IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO EXTREMISM

Toshquvvatov Sindor Yangiboy ugli

Senior Lecturer, Department of Preliminary Investigation and Inquiry
Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Extremism is a social phenomenon that poses a real threat to the security of individuals, society, and the state, causes serious harm to their rights and interests, and destabilizes the functioning of various social institutions. Extremism is considered one of the most dangerous forms of criminal activity and one of the most difficult to predict.

ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР

Тошқувватов Синдор Янгибой ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Дастлабки тергов ва суриштирув кафедраси катта ўқитувчиси

Экстремизм шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига реал таҳдид соладиган, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳамда бир қатор ижтимоий институтлар фаолиятини беқарорлаштирадиган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Экстремизмни жиноий фаолиятнинг энг хавфли ва олдиндан башорат қилиш мураккаб бўлган кўринишларидан бири ҳисобланади.

Экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш методикаси ушбу жиноятларнинг криминалистик тавсифи, типик тергов вазиятларини таҳлил қилиш каби вазифалар билан бирга исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ҳам қамраб олади. Ушбу тоифадаги жиноятларни тергов қилишда мотив, мақсад, шахснинг мафкуравий қарашлари, жабрланувчининг миллий, диний ва ижтимоий гуруҳга мансублигини аниқлаш керак бўлади. Шу билан бирга, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жиноятларни тергов қилиш хусусий методикасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, жиноий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва криминалистик аҳамиятга эга белгиларни аниқлаш ва текширишни ҳам ўз ичига олади. Фикримизча, ҳар бир жиноят бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасидаги жиноят объекти, етказилган зиён, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари,

айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исботланиши[1] ҳамда ЖПКнинг 83-84-моддаларида акс этган *реабилитация қилиш* ва *айблилик масалани ҳал қилмасдан ишни тугатиш асослари* ҳам текширилиши лозим.

Экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда қуйидаги ҳолатлар исбот қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, жиноят объекти, етказилган ва жабрланувчига оид ҳолатлар. Ушбу тоифадаги жиноятларнинг тажовуз объекти бир хил эмас: жиноий тажовуз жамоат хавфсизлиги, конституциявий ҳуқуқлар, давлати хавфсизлиги ва бошқа ижтимоий муносабатларга қаратилган бўлиши мумкин. Шу сабабли жиноят натижасида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори (агар мавжуд бўлса), қилмишнинг оқибати ҳамда сабабий боғланиш ҳар бир ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланишим лозим.

Иккинчидан, жиноят ҳодисаси, содир этилган вақти, жойи ва содир этилиш усули. Экстремизм билан боғлиқ жиноятлар *(Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 156, 159, 244¹, 244², 244³ ва 246-моддалари)*да жиноий ҳодиса юз берганлиги, ушбу моддалар диспозицияси белгиларидан келиб чиқиб, исботланиши керак. Ушбу жиноятларни тергов қилишда қилмиш содир этилган вақт, жой ва содир этиш усулини аниқлаш жиноятга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш ва изларни яшириш ҳаракатларини ҳамда иштирокчиларнинг ўзаро боғлиқлигини тиклаш имконини беради. Қилмиш натижасида ижтимоий хавфли оқибат юз берган бўлса, у айнан қайси ҳаракатлар натижасида юзага келганлиги текширилиши керак.

Учинчидан, жиноятнинг муайян шахс томонидан содир этилганлиги. Ушбу тоифадаг жиноятларни тергов қилишда шахснинг диний, сиёсий ёки бошқа ғояларга муносабати ёки бошқа шахслар билан алоқадорлигини аниқлашнинг ўзи унинг жиноий хатти-ҳаракатларини исботлаш учун етарли бўлмайди. Айниқса, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали экстремистик материалларни тарқатиш билан боғлиқ ҳолатларда қилмишни муайян шахс билан боғлаш, унинг содир этилган ҳаракатлардан хабардорлигини ва экстремистик фаолиятдаги иштироки инкор этиб бўлмайдиган далиллар асосида исбот қилиниши лозим.

Тўртинчидан, айбнинг субъектив белгилари. Ушбу жиноятлар бўйича қасднинг мавжудлиги ҳамда тегишли жиноят таркиби учун аҳамиятли мотив ва мақсадни аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда шахс ўзи содир этган қилмишнинг мазмунини англаганлиги, унга нисбатан руҳий муносабати, уни ушбу ҳаракатга содир этишга ундаган сабаблар ҳамда кўзланган натижа ҳар бир қилмишнинг ҳуқуқий белгилари билан боғлиқ ҳолда баҳоланиши лозим. Мотив ёки мақсадни тахминларга асосланиб белгилаш жиноятни нотўғри квалификация қилиш хавфини юзага келтиради.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 01.04.1995 й. // https://lex.uz/docs/111460

Бешинчидан, ишни ҳал этиш учун бошқа юридик аҳамиятли ҳолатлар. Қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи, жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи, жавобгарлик ва жазодан озод қилишга асос бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам текширилиши зарур. Демак, исботлаш фаолияти фақат айбловни тасдиқлашга эмас, балки ишнинг барча ҳолатларини холисона аниқлашга йўналтирилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар деганда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган умумий исботлаш предмети ҳамда муайян жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари асосида шаклланадиган, жиноят ҳодисаси, уни содир этган шахс, қилмишнинг экстремистик хусусияти, содир этиш механизми, айбдорлик, мотив ва мақсад, иштирокчилик, етказилган зарар ва бошқа юридик аҳамиятга эга фактларни аниқлашга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳолатлар тизими тушунилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – URL: https://lex.uz/docs/111460.
2. “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Шанхай Конвенцияси // https://lex.uz/docs/2066680
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ-489-сон “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: https://lex.uz/docs/3841957
4. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2012–XII-сон Қонуни билан тасдиқланган Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: https://lex.uz/docs/111453
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги 32-сон “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: https://lex.uz/docs/5748890
6. Терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг тактика ва методикаси: Маърузалар курси / Д. М. Миразов, Б.Н. Рашидов, Ш. А. Қулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 5 б.
7. М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар, Адолат - Т.: Ўзбекистои Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, 2016 - б. 234.